

## Аллоҳнинг неъматлари яхшиликми?



17:00 / 21.02.2022 2704

Гуноҳ қилиб турган ҳолатингда Аллоҳ сенга неъматлар инъом этаётган бўлса, бундан ғурурланма! Бу неъматларни яхшиликдан нишона, деб хомтама ҳам бўлма! Балки, бу Аллоҳ таолонинг сенга бераётган синовидир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтганлар: «Агар Аллоҳ таоло гуноҳларни қилиб турганига қарамасдан, бирор бандага яхши кўрган нарсасини бераётган бўлса, билгинки, бу неъмат У зот тарафидан бир синов-ҳийладир».

*Имом Аҳмад ривояти.*

Имом Аҳмад Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилган бошқа бир ҳадиси шарифда бундай дейилади: «Албатта, Аллоҳ дунёни ўзи яхши кўргану яхши кўрмаган кимсаларига бераверади. (Аммо) динни фақат яхши кўрган бандасига ато этади».

Ҳеч қачон Аллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлмаслик керак.

Бу дунёда инсонлар истиқомат қилар экан, катта-кичик, турли-туман гуноҳларни қилади. Агар улардан бирортасига «Аллоҳдан қўрқ, тавба қил», десанг, «гуноҳларим кўп, қайси бирига тавба қиламан», деб жавоб беради. Бундай кимсаларга Аллоҳ таолонинг мана бу оятлари энг ҳақ эслатмадир: **«(Эй Муҳаммад), турли гуноҳ-маъсиятлар қилиш билан, ўз жонларнга жиноят қилган бандаларимга айтинг: «Аллоҳнинг раҳмат-марҳамати дан ноумид бўлмангиз! Албатта, Аллоҳ (ўзи хоҳлаган бандаларининг) барча гуноҳларини мағфират қилур. Албатта, Унинг Ўзигина мағфиратли, меҳрибондир»** (Зумар сураси, 53-оят).

Бошқа бир оятда:

**«Ким бирон бир ёмон иш қилса ёки ўз жонига жабр этса, сўнгра Аллоҳдан мағфират сўраса, Аллоҳнинг мағфират қилгувчи ва меҳрибон эканини топар-кўрар»** (Нисо сураси, 110-оят).

**«(Эй Муҳаммад), бандаларимга ёлғиз Менинг Ўзимгина мағфиратли, меҳрибон эканимни, Менинг азобим энг аламли азоб эканини хабар қилинг»** (Ҳижр сураси, 49-50-оятлар).

Шундай экан, эй мусулмон биродарим, тезроқ тавба қилгин, тавбани орқага сурмагин, чунки Аллоҳнинг азоби аламли ҳамда яқиндир.

Дарҳақиқат Роббимиз айтганки: **«Албатта, Аллоҳ тавба қилгувчиларни ва ўзларини мудом пок тутгувчиларни севади»** (Бақара сураси, 222-оят).

**«Сизларга азоб келиб, сўнгра ёрдам берилмай қолишидан илгари (яъни, Аллоҳнинг бирон-бир бало-қазосига дучор бўлмай туриб), Парвардигорингизга қайтинглар ва Унга бўйсунинглар»** (Зумар сураси, 54-оят).

***Islom.uz сайти маълумотлари асосида Хуршид Маъруф тайёрлади***